



**О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I**

Namangan sh. Istiqlol ko'chasi 57.

20 21 -yil 20 - январ

35 -son

Namangan sh.

**Наманган вилоятида 2021 йилда давлат кўчмас мулкидан
фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларини
тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 15-сон, 186-модда) ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6 ва 25-моддаларига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан 2021 йил 12 январда киритилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан 2021 йил 13 январда келишилган Наманган вилоятида 2021 йилда давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун 1 кв.метр майдонга ижара тўловининг энг кам ставкалари 1-иловага ҳамда ижара ҳақининг энг кам ставкаларига қўлланиладиган коэффицентлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси (Ш.Ортиқов)га қисқа муддатда вилоятдаги давлат тасарруфида бўлган кўчмас мулк объектларини ижарага бериш юзасидан аввал тузилган ижара шартномаларига мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси топширилсин.

3. Шаҳар ва туманлар ҳокимликларига ҳудудлардаги давлат ташкилотлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан биргаликда

балансларида бўлган, фойдаланилмай бўш турган мулклардан самарали фойдаланиш, уларни ижарага бериш юзасидан Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Наманган вилоят ҳудудий бошқармасига доимий таклиф ва маълумотлар киритиб бориш вазифалари топширилсин.

4. Вилоят Халқ таълими бошқармаси (Исроилов), вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси (Тожиматов), вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (Иминов), вилоят Маданият бошқармаси (Сайдалиев), шунингдек давлат мулкани балансида сақловчи барча муассаса ва ташкилотлар раҳбарларига:

йил чорагида камида бир марта ўзининг юритишида бўлган давлат мулкани хатловдан ўтказиш ва фойдаланилмаётган давлат мулки аниқланган тақдирда 10 кун мобайнида Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Наманган вилоят ҳудудий бошқармасига тегишли маълумотларни тақдим этиб бориш вазифаси юклатилсин.

5. Вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси, вилоят телерадиокомпанияси, “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарига Давлат активларини бошқариш агентлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг вилоят ҳудудий бошқармасининг таклифлари асосида вилоятдаги бўш турган, ижарага бериладиган давлат тасарруфидаги объектлар рўйхатини оммавий ахборот воситалари орқали бепул ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Наманган вилояти ҳокимининг 2020 йил 14 январдаги 33-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарор халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

8. Мазкур қарор “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Юсупов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими в.б.



Ш. Абдуразаков

**Наманган вилоятида 2021 йилда давлат кўчмас мулкидан
фойдаланганлик учун 1 кв. метр майдонга ижара тўловининг
энг кам ставкалари**

№	Ижарага бериладиган майдонлардан фойдаланиш мақсадлари	1 кв. метр майдон учун 2021 йилга йиллик энг кам ижара тўлови ставкаси (ҚҚС билан)	
		Наманган шаҳрида	туманларда
Ишлаб чиқариш			
1	Ёқилғи ишлаб чиқариш	8 700	7 000
2	Кимёвий ишлаб чиқариш	8 700	7 000
3	Нефть-кимё саноати	8 700	7 000
4	Машинасозлик	8 700	7 000
5	Дастгоҳсозлик ва асбобсозлик саноати	8 700	7 000
6	Ҳисоблаш техникаларини ишлаб чиқариш	8 700	7 000
7	Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги	7 100	5800
8	Қурилиш, йўл ва коммунал муҳандислик	7 100	5800
9	Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ҳамда маиший анжомлар саноати	7 100	5800
10	Санитария ва газ ускуналари ва маҳсулотлари ишлаб чиқариш	8 700	7 000
11	Металл конструкциялар ва маҳсулотлар саноати (токарлик хизмати)	8 700	7 000
12	Машина ва жиҳозларни таъмирлаш	8 700	7 000
13	Машинасозликнинг бошқа тармоқлари	8 700	7 000
Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати			
14	Ёғоч маҳсулотларини тайёрлаш саноати	8 700	7 000
15	Ёғочни қайта ишлаш саноати	8 700	7 000
16	Целлюлоза-қоғоз маҳсулотлари саноати	8 700	7 000
17	Дераза ва эшиклар, мебель ишлаб чиқариш саноати (ёғочдан)	26 100	21 300

№	Ижарага бериладиган майдонлардан фойдаланиш мақсадлари	1 кв. метр майдон учун 2021 йилга йиллик энг кам ижара тўлови ставкаси (ҚҚС билан)	
		Наманган шаҳрида	туманларда
18	Қурилиш материаллари саноати	8 700	7 000
Енгил саноат			
19	Тўқимачилик саноати	8 700	7 000
20	Тикувчилик саноати	8 700	7 000
21	Чарм, мўйна ва пойабзал маҳсулотлари саноати	8 700	7 000
22	Енгил саноатнинг бошқа ишлаб чиқариш турлари	8 700	7 000
Озиқ-овқат саноати			
23	Озиқ-овқат саноати (балиқ, гўшт, ёғ-пишлоқ ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан ташқари)	8 700	7 000
24	Гўшт ва сут маҳсулотлари саноати	8 700	7 000
25	Балиқ маҳсулотлари саноати	8 700	7 000
26	Тегирмончилик саноати	8 700	7 000
27	Комбикорм (омухта ем) саноати	7 100	5 800
28	Озиқ-овқат саноатининг бошқа тармоқлари	8 700	7 000
Саноатнинг бошқа тармоқлари			
29	Тиббиёт саноати	8 700	7 000
30	Полиграфия саноати	21 195	20 000
31	Кийимларни ва газламалардан тайёрланган буюмларни кимёвий тозалаш, бўяш, ювиш ва матоларни қайта ишлаш	10 600	8 500
32	Саноатни хўжалик бошқаруви	24 400	20 000
Қишлоқ хўжалиги			
33	Ўсимликшунослик (шу жумладан иссиқхона хўжалиги) 1 га ер майдони учун	3 477 000	2 839 400
34	Чорвачилик ва паррандачилик	4 200	3 500
35	Балиқчилик (шу жумладан сунъий майдон) 1 гактар учун	3 477 000	2 839 400
36	Асаларичилик 1 гектар ер майдони учун	2 260 400	1 845 800
37	Ветеринария хизматлари	87 000	7 000
38	Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар	8 700	7 000

№	Ижарага бериладиган майдонлардан фойдаланиш мақсадлари	1 кв. метр майдон учун 2021 йилга йиллик энг кам ижара тўлови ставкаси (ҚҚС билан)	
		Наманган шаҳрида	туманларда
39	Ўрмон хўжалиги (шу жумладан боғлар) 1 гектар ер майдони учун	3 477 000	2 839 400
Транспорт ва алоқа			
40	Ер устида ҳаракатланувчи умумфойдаланишдаги темир йўл транспорти	8 700	7 000
41	Транспорт инфратузилмалари (автопарк, таксопарк, автомобиль тўхташ жойлари ва гараж)	8 700	7 000
42	Транспорт инфратузилмалари (жарима майдонлари)	2 200	1 900
43	Автомобиллар ювиш	27 900	20 100
44	Автомобилларга ёнилғи қуйиш	27 900	25 900
45	Аҳоли буюртмасига асосан юк ташиш ва бошқа транспорт-экспедиция хизматлари	15 700	12 900
46	Почта алоқаси	8 700	7 000
47	Курьерлик алоқаси	17 400	14 100
48	Электр-симли алоқа	17 400	14 100
49	Радио, уяли алоқа ва пейджер алоқаси (иншоотларни ҳисобга олган ҳолда худуд доирасида)	73 100	59 700
Қурилиш			
50	Қурилиш	8 700	7 000
51	Лойиҳа, лойиҳа-қидирув ташкилотлари	8 700	7 000
52	Пластик дераза ва эшиклар ишлаб чиқариш	51 200	33 500
Савдо ва умумий овқатланиш			
53	Улгуржи савдо	24 400	20 000
54	Маҳсулотларни (хизматларни) қисмлаб савдо фаолиятини амалга оширувчи улгуржи савдо бозорларидаги дўконлар	62 600	51 000
55	Чакана савдо	24 400	20 000
56	Умумий овқатланиш	24 400	20 000
57	Ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш (фаст фуд)	38 200	28 800
58	Китоб дўконлари	3 400	2 900

№	Ижарага бериладиган майдонлардан фойдаланиш мақсадлари	1 кв. метр майдон учун 2021 йилга йиллик энг кам ижара тўлови ставкаси (КҚС билан)	
		Наманган шаҳрида	туманларда
59	Маданий-маиший мақсадлардаги ҳамда хўжалик буюмларини ижарага бериш жойлари	24 400	20 000
60	Халқ хўжалиги савдо-харид маҳсулотлари даллоллик хизматлари	38 200	31 200
61	Моддий техника таъминоти ва етказиб бериш	24 400	20 000
62	Маълумот-ҳисоблаш хизматлари	24 400	20 000
63	Интернет ва компьютер тармоқлари орқали хизматлар кўрсатиш	24 400	20 000
64	Кўчмас мулклар билан боғлиқ муносабатлар	24 400	20 000
65	Реклама, кўрғазмалар хизматлари	24 400	20 000
66	Маркетинг тадқиқотлари, тижорат, молия ва бошқарув фаолиятлари бўйича маслаҳатлар	24 400	20 000
67	Геология ва табиий бойликларни қидириш, геодезия ва гидрометеорология хизматлари	43 500	35 400
68	Таҳририят ва нашриётлар	14 000	11 400
69	Металлолом ва иккиламчи қоғоз (латта) маҳсулотларини тўплаш жойлари	14 000	11 400
70	Тураржой-коммунал хўжаликлари	14 000	11 400
71	Меҳмонхона хўжалиги	27 800	22 700
72	Умумий яшаш жойлари	21 700	17 300
73	Маиший хизматнинг ишлаб чиқариш турлари	14 000	11 400
74	Сартарошхона, фотосалон, модалар ательеси, пойабзалларни таъмирлаш	21 000	17 300
75	Ломбардлар	31 500	25 700
76	Хаммомлар	41 900	34 200
77	Сауналар ва бассейнлар	83 500	68 300
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот			
78	Соғлиқни сақлаш	17 400	14 100

№	Ижарага бериладиган майдонлардан фойдаланиш мақсадлари	1 кв. метр майдон учун 2021 йилга йиллик энг кам ижара тўлови ставкаси (ҚҚС билан)	
		Наманган шаҳрида	туманларда
79	Сайёҳлик ва дам олишни ташкил этиш	17 400	14 100
80	Фитобар	12 100	98 000
81	Маданий кўнгилочар марказлар (бильярд, ўйин автоматлари, дискотека ва бошқалар)	27 800	22 700
82	Жисмоний тарбия ва спорт	8 700	7 000
83	Дорихоналар	14 000	11 400
84	Оптика, тиббиёт анжомлари ва жихозлар дўконлари	29 300	18 000
85	Ижтимоий-дорихоналар	12 400	9 200
Таълим			
86	Олий ва ўрта-махсус таълими маълумотли кадрларни тайёрлаш (ўқув курслари билан)	14 000	11 400
87	Ишчилар ва хизматчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш	10 900	9 300
88	Болалар умумтаълим мактаблари (нодавлат таълим муассасалари учун)	7 100	5800
89	Ўқув муассасаларида умумий овқатланиш	8 700	7 000
90	Мактабгача таълим муассасалари (нодавлат таълим муассасалари учун)	6 200	5 300
91	Маданият ва санъат	24 400	20 000
92	Кўрғазмалар	18 800	16 100
93	Мактабдан ташқари тарбия	7 100	5 800
94	Маданият ва дам олиш боғлари	17 400	14 100
95	Ботаника боғлари ва зоопарклар	17 400	14 100
96	Телевидениялар ва радиоэшиттиришлар редакциялари	17 400	14 100
97	Киностудиялар, овоз ёзиш студиялари	27 800	22 700
98	Фан ва илмий хизматлар кўрсатиш	10 600	8 500
99	Автомактаблар	15 500	10 100
Молия-кредит фаолияти			
100	Молия, кредит ва пенсия таъминоти (суғурталаш ва аудиторлик фаолиятидан ташқари)	24 400	20 000

№	Ижарага бериладиган майдонлардан фойдаланиш мақсадлари	1 кв. метр майдон учун 2021 йилга йиллик энг кам ижара тўлови ставкаси (ҚҚС билан)	
		Наманган шаҳрида	туманларда
101	Аудиторлик фаолияти	24 400	18 700
102	Банк фаолияти	24 400	20 000
Фаолиятнинг бошқа турлари			
103	Суғурта ва нотариал хизматлар	24 400	20 000
104	Суд ва юридик хизмат муассасалари	20 000	17 300
105	Адвокатлар коллегияси ва юридик маслаҳатхоналар	21 000	17 300
106	Жамоатчилик бирлашмалари	7 100	5 600
107	Омборхоналар	24 400	20 000
108	Давлат ташкилотларига офис	10 600	8 500
109	Хусусий ташкилотларга офис	38 200	31 200
110	Архив хизмати	10 600	7 200
111	Енгил автомашиналар ва бошқа турдаги транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш (шу жумладан вулканизация)	27 800	22 700
112	Лабораториялар	17 400	14 100
113	Турли хизмат турлари тўловлари (пайнет)	69 900	57 000
114	Маданий мерос объектлари бино ва иншоотларида жойлашган савдо дўконлари	38 200	31 200
115	Маданий мерос объектлар бино ва иншоотларида жойлашган умумий овқатланиш шаҳобчалари	33 400	27 300
116	Авиа кассалар (шу жумладан темирйўл, автотранспорт ва бошқалар)	38 200	31 200
117	Банкоматлари	348 400	284 500
118	Нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқариш	24 400	17 300

Изоҳ:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.06.2009 йилги № 07/10-41-сонли йиғилиш баёнининг 11-бандига мувофиқ, мулк шаклидан қатъий назар қишлоқ врачлик пунктларида ташкил этиладиган дорихоналарга давлат

кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун ижара тўловининг ноль ставкаси қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.11.2012 йилги № 02/1-74-сонли топшириғига асосан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимидаги савдо бошқармалари ёпиқ ҳарбий шаҳарчалардаги, ҳарбий қисм ва муассасаларидаги давлатга тегишли бўлган кўчмас мулкларни ижарага олган ҳолатларда ижара тўловининг ноль ставкаси қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.10.2017 йилдаги “Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 834-сонли қарорига асосан кластерлар ҳудудида жойлашган ишлаб чиқариш майдонлари Ўзбекистон ёшлар иттифоқига аъзо бўлган ёш тадбиркорларга корхона ташкил топгунига қадар аммо 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга ижара ҳақининг нол ставкаси бўйича ижарага берилади. Фойдаланилмаётган, шу жумладан эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳудудида жойлашган давлат мулки Ўзбекистон ёшлар иттифоқига аъзо бўлган ёш тадбиркорларга Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг шаҳар ҳамда туман кенгашларининг илтимосига кўра 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга ижара ҳақининг нол ставкаси бўйича ижарага берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.09.2017 йилдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ–3271-сонли қарорининг 3-бандига асосан шаҳар ва туманларда китоб савдосига ихтисослаштирилган дўконларни ташкил этиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъектларига фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари ноль ставкада берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.08.2017 йилги №14/1-1959-сонли топшириғига асосан Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг тавсиясига асосан Олимпиада ўйинлари ғолиблари ва совриндорларига давлат мулкларини, шу жумладан аҳоли зич ҳудудларида ер майдонларини спорт фаолиятини сақлаш шарти билан хусусий спорт муассасалари ташкил қилиш учун давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун ижара тўловининг ноль ставкаси қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.03.2018 йилги 186-сонли қарорига мувофиқ ижарага олувчи ҳунармандлар учун давлат мулки бўлган объектларга ижара тўловининг 50 фоизи миқдорида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.08.2018 йилдаги №609-20 сонли топшириғига асосан Мудофаа вазирлиги балансидаги давлат мулкани унинг тизимидаги унитар корхоналар ва бошқа бўлинмаларига хўжалик фаолиятларини амалга ошириши, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаши учун

бинолар, иншоотлар, жой, жиҳозлар, мебел ва бошқа мулклардан вақтинча ижара асосида фойдаланганда ижара ҳақининг нол қиймати белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.03.2018 йилги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашиш бўйича 2018-2019 йилларга мўлжалланган давлат Дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 247-сонли қарорига мувофиқ фаолият кўрсатиш тури ва уни амалга ошириш жойидан қатъи назар, ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланган ҳамда ишчилари сонининг учдан икки қисми ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланувчи яқка тартибдаги тадбиркорларга давлат мулки объектлари учун ижара тўлови белгиланган энг кам тўловнинг 50 фоизи миқдорида белгиланади.

**Давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг
энг кам ставкаларига қўлланиладиган коэффицентлар**

Объектнинг жойлашган ўрни ва турлари бўйича	Қўлланиладиган коэффицентлар		
	Наманган шаҳри	Туман марказ- лари	Туман марказ- ларидан бошқа худудлар (қишлоқ)
1. Ижара объектини худудий зоналар бўйича коэффицент - (Кз)	1,8	1,6	1,5
1.1. Уяли алоқа қурилма ва мосламалари учун	1,8		
2. Объектнинг қурилиш тури бўйича коэффицент - (Кк)			
- алоҳида турадиган бинолар бўйича	1,3	1,2	0,9
- бино ичида ва бино ёнида қурилганлари бўйича	1,0	0,8	
- ярим ертўла ва ертўла хоналари, чердак, болаҳона қисмлари бўйича	0,6	0,6	0,5
- бинонинг том қисмидаги қурилмалар бўйича	0,6		
3. Ёндош худуддаги ер майдондан (техник майдон, деҳқончилик мақсадида) фойдаланилгандаги коэффицент - (Кх)	0,5		
3.1. Уяли алоқа антенналари эгаллаган техник майдонлар учун	0,6		
4. Тижорат мақсадларида фойдаланишда қулайлик коэффиценти - (Ко)			
- автотранспорт йўллари, марказий кўчалар бўйлаб (аҳоли гавжум ва серкатнов худудлар)	1,2	1,1	0,9
Б- иккиламчи автотранспорт йўллари (маҳаллалар ва даҳалар ички кўчалари, аҳоли пунктнинг четки худудлари ва кўчалар бўйлаб)	1,0	0,9	0,8
- биноларнинг том қисмидаги уяли алоқа антенналари ўрнатилган қурилмалар учун	0,6		

- Ер майдонига ўрнатилган уяли алоқа, радио, пейджер антенна ва бошқа қурилмалар учун ижара тўловининг таянч ставкаси миқдори антенна тортқич

қозиклари умумий периметри бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли қарорига мувофиқ ижара ҳақининг энг кам ставкаси ва унга қўлланиладиган тегишли коэффициентлар асосида белгиланади.

- Давлат ташкилотларининг техник майдонидан фойдаланувчи субъектлар учун ижара тўловининг таянч ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли қарорига мувофиқ ижара ҳақининг энг кам ставкаси ва қурилиш турига кўра белгиланадиган (Кк) коэффициентларни ҳисобланмаган ҳолда белгиланади.

Бино ва иншоотлар бўйича ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкаси) ҳисоблаб чиқиш қуйидаги тарзда аниқланади:

$$T_c = E_c \times K_z \times (K_k + K_x + K_o).$$

Tc-бир йилга бир кв.метр майдон учун ижара тўловининг таянч ставкаси;

Эс- бир йилга бир кв.метр майдон учун ижара тўловининг энг кам ставкаси;

Кз- ҳудудий зоналар коэффициенти;

Кк-қурилиш тури бўйича коэффициент (алоҳида турган бино, қўшимча қурилган бино, бинонинг том қисми, чердак, болахона, ярим ертўла, ертўла);

Кх-туташиб кетган ҳудуддан фойдаланиш коэффициенти;

Кo-тижорат мақсадларида фойдаланишда қулайлик коэффициенти (асосий автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашиш, иккинчи даражали автотранспорт йўлларида чиқишда жойлашиш ва бошқалар).